

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 11

Кўшкўпир тумани

«16» май 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кўшкўпир тумани Халк таълими булими номидан Низом асосида иш кўрувчи мудир **К.З.Нурматов** томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Умидбек Шахзодбек қурилиш сервис” хусусий корхонаси номидан низом асосида иш қурувчи **Д.Қурбонбаев** иккинчи томондан Кўшкўпир тумани Халк таълими булимига қарашли 36-мактабни жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

- **ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ипчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

- **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- **шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ** асосида қузда тутилган лойиха буйича бинони 36-мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бинони туманидаги 36-мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда нархларда **85378000 (саксон беш миллион уч юз етмиш саккиз минг)** сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга снгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортик муддатга узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
  - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини стказиб бсриш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
  - курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
  - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;
  - курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунинингдек ёритиш чироклари урнатиш;
  - курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
  - мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
  - курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
  - курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим килади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим килади.
10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риюя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва туманидаги 36-мактабни жорий таъмирлаш ишларини молиялаштиришни амалга ошириш;
  - Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.
15. Объектни **май ойида** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

#### **VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР**

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар кийматининг 30 % микдорида аванс ўтказади, бу **25613400 (йигирма беш миллион олти юз ўн уч минг тўрт юз) сўмни** ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблағлар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи томонидан туманидаги 36-мактабни жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи молиялаштириш учун туманидаги 36-мактабни жорий таъмирлаш ҳисобот ойнанинг охиригача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига молиялаштириш 36-мактабни жорий таъмирлаш бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утқазилладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда ҳисобатчиликларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қўллари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни ўларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи ўларни тузатишнинг қечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб ўлар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтларини юритади. Дафтларда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утқазилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан қичкиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтларда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қолса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга қиргандан кейин туманидаги 36-мактабни жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қупайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоида мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида

хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди.

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар булади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига муофик тайёр холда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкӣ жавобгар булади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тулайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнинг охириг кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди.

44. Агарда томонлардан бири уз реквизи́тларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма ҳабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тулайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни коплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у холда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

#### **XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайдди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, ҳақиқӣ ҳисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

54. Мазкур шартноманинг нархлардаги мактаб биносини 36-мактаб биносини жорий таъмирлаш суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначилиқдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 йгача амал қилади .

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

#### **XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ**

58. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмомчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи қорхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи қорхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

#### **XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.**

##### **БУЮРТМАЧИ:**

Кушқуипир туман Халқ таълими бўлими

Кушқуипир тумани Беруний куча

Шхр:401722860332127092100075009

ИНН\_200905877

Молия вазирлиги газначилик

Ташкент шаҳар Марказий Банк

МФО 00014 ИНН 201122919

Х/р 23402000300100001010

Мудир: \_\_\_\_\_ К.Нурматов



##### **ПУДРАТЧИ:**

«Умидбек Шахзодбек қурилиш сервис» х.к

Қўшқўпир тумани Дўстлик кўча

Х\Р: 20208000200451947001

Банк номи: Халқ банки Қўшқўпир ф.

МФО : 00815

СТИР : 303277246

Рахбар \_\_\_\_\_



МУ

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.
2. **Loyihaning nomi :** Pudrat shartnomasi
3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**  
Qo'shko'pir tuman Xalq ta'limida 2022yil 16 mayda ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Qo'shkupir tuman yuridik  
Markaz bosh yuriskonsulti**



**G.Madaminova**

2022 yil 17 may

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 80134 на приобретение Қўшқўпир туман  
Халқ таълими бўлимига қарашли 36-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 12.05.2022

Время рассмотрения 12.05.2022 10:31

Конкурсная комиссия Кушкупир туман Халқ таълими булими ХТБ марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	NURMATOV KAMOLADDIN ZARIPOVICH	MUDIR	XARID KOMISSIYA RAISI
<b>Секретарь комиссии</b>	YUREV MUNISBEK BATIR O'G'LI	Xalq ta'limi bo'limi metodisti	Xarid komissiya a'zosi
<b>Член комиссии</b>	RO'ZMETOV SAN' ATBEK OLIMBOYEVICH	Davlat xaridlari va shartnomalar bo'yicha mutaxassis	Xarid komissiya kotibi
<b>Член комиссии</b>	KENJAYEV INOYAT RAXIMOVICH	Ta'minotchi	Xarid komissiya a'zosi
<b>Член комиссии</b>	GAPPAROV YASHIN ULUG'BEKOVICH	MTEX boshlig'i	Xarid komissiya a'zosi
<b>Член комиссии</b>	SOTTAROV ILXOMBAY SAPORBAYEVICH	Bosh xisobchi	Xarid komissiyasi raisi o'rinbosari

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.05.2022 года № лота 80134.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Қўшқўпир туман Халқ таълими бўлимига қарашли 36-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	87 378 000.00
Стартовая сумма	87 378 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар. Танлов иштирокчисининг кейинги 3 (уч) йил ичидаги молиявий ҳолати, аудитор компанияси ёки солиқ органлари томонидан тасдиқланган баланс ҳисоботларини илова қилган ҳолда (асл нусха)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг асосий ишлаб-чиқариш фондларига эгалиги (асослантирилган ҳужжатлар), Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги йўқлиги(асл нусха).

Обязательность: Не критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS</b>	25	Umidbek shaxzodbek x k	10	Экспертная		
<b>ООО SHODLIK SHODIYAXON</b>	25	shodlik shodiyaxon	10	Экспертная		
<b>TALABA OMAD SERVIS MCHJ</b>	25	78641040	5	Экспертная		

Критерий №2 Танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича иш тажрибаси. Кейинги 3 йилда ўхшаш объектлар бўйича бажарган ишлари, бундан олдинги ишларни ўз муддатида топширганлиги, лойиҳа ташкилот 3-тоифали бўлиши шарт,

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг кейинги 3 (уч) йилда ўхшаш 2 донга объект бўйича лойиҳа-қидирув ишларини бажарганлиги, шунингдек бундан олдин лойиҳа қидирув ишларини ўз муддатида бажарганлиги ёки муддати ўтган ишлари бўлмадлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS</b>	25	umidbek shaxzodbek	15	Экспертная		
<b>ООО SHODLIK SHODIYAXON</b>	25	shodlik shodiyaxon	10	Экспертная		
<b>TALABA OMAD SERVIS MCHJ</b>	25	78641040	5	Экспертная		

Критерий №3 Курилиш майдонини кўрганлик ҳақида гувоҳнома (курилиш майдони билан танишганлиги буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилот билан бирга туширилган расмлари билан), Танлов ўтказиш даврида танлов иштирокчисининг бошқа контрактлар (объект) даги иштироки ва танловга қўйилган иншоотнинг курилиш реконструкция, таъмирлаш) даврида иштирок этиши кўзда тутилган контрактлари тўғрисида маълумотнома,

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов талабномасини таъминлаш бўйича банк кафолатномаси ва танлов иштирокчисининг якунланмаган шартномалари бўйича маълумот (2019 йилнинг 1 январидан бугунги кунгача, яъни 2022 йил 1 январь кунига қадар буюртмачилар билан тузилган шартномаларни бекор қилинганлиги).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS</b>	25	umidbek shaxzodbek	15	Экспертная		
<b>ООО SHODLIK SHODIYAXON</b>	25	shodlik shodiyaxon	10	Экспертная		
<b>TALABA OMAD SERVIS MCHJ</b>	25	78641040	5	Экспертная		

Критерий №4 Ишларни бажаришда фойдаланиладиган машина-механизм, зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган, лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли ёки ижара асосида олинган камида 2 та машина-механизм(тасдиқланган хужжатлар асосида), зарур асбоб-ускуна ва анжомлар борлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришда фойдаланиладиган машина-механизм, зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган, лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли ёки ижара асосида олинган камида 2 та машина-механизм(тасдиқланган ҳужжатлар асосида), зарур асбоб-ускуна ва анжомлар борлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS</b>	25	umidbek shaxzodbek	15	Экспертная		
<b>ООО SHODLIK SHODIYAXON</b>	25	shodlik shodiyaxon	10	Экспертная		
<b>TALABA OMAD SERVIS MCHJ</b>	25	78641040	0	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS</b>	87 378 000.00	85 378 000.00	10.05.2022 10:03:37	100.00
<b>TALABA OMAD SERVIS MCHJ</b>	87 378 000.00	78 641 040.00	11.05.2022 13:00:31	
<b>ООО SHODLIK SHODIYAXON</b>	87 378 000.00	87 000 000.00	11.05.2022 09:44:23	98.14

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS</b>	Прошел	100	100
<b>TALABA OMAD SERVIS MCHJ</b>	Прошел		0
<b>ООО SHODLIK SHODIYAXON</b>	Прошел	98.14	98.14

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 80134 от 12.05.2022 года на приобретение Кўшкўпир туман Халқ таълими бўлимига қарашли 36-сон мактаб биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ЧП UMIDBEK SHAXZODBEK QURILISH SERVIS  
303277246

и резервный исполнитель: ООО SHODLIK SHODIYAXON (304867208)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	NURMATOV KAMOLADDIN ZARIPOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RO'ZMETOV SAN'ATBEK OLIMBOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KENJAYEV INOYAT RAXIMOVICH	Согласен	

<b>Член комиссии</b>	GAPPAROV YASHIN ULUG'BEKOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SOTTAROV ILXOMBAY SAPORBAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП